

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

38-39-сон
(122-123)
2004 й.
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

420. «Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар кириши хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 669-II-сон Қонуни

421. «Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиши хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2004 йил 27 августдаги 670-II-сон қарори

Иккинчи бўлим

422. «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491-сон Фармони

Учинчи бўлим

423. «Муддатли харбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш хамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 21 сентябрдаги 437-сон қарори [Кўчирма]
424. «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарори
425. «Пластик карточкалар асосида хисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарори
426. «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 447-сон қарори
427. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 28 сентябрдаги 450-сон қарори [Кўчирма]
428. «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги 453-сон қарори [Кўчирма]

Бешинчи бўлим

429. «Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 25 августдаги 284-сон буйруги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 сентябрда 1412-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
430. «Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 14 сентябрдаги 305-сон буйруги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 сентябрда 1413-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 431.«Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2004 йил 26 августдаги 78, 01-211-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 сентябрда 1414-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
432. «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) Давлат

реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантариш давлат қўмитасининг 2004 йил 23 августдаги 104, 40, 7-сон карори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 сентябрда 1415-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 18 сентябрдан 30 сентябргача бўлган маълумот

Тузатиш

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОнуни

420 «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича ваки ли (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси нинг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 102-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
669-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

[янги таҳрири]

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ҳуқуқларини, мажбуриятларини, фаолиятининг асосий йўналишлари ва кафолатларини белгилайди.

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (бундан бўён матнда Вакил деб юритилади) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар (бундан бўён матнда ташкилотлар ва мансабдор шахслар деб юритилади) томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқук нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиласи, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

2-модда. Вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига амал қиласи.

Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига хисобдордир.

3-модда. Вакилни сайлаш

Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Вакил лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг палаталиари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг Вакилни сайлаш тўғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Вакил номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин бу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунда белгиланган тартибда юборилади.

Вакил ўзининг ваколатлари муддати тугагач, янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

4-модда. Вакил лавозимида номзодга қўйиладиган талаблар

Сайланиш куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Вакил лавозимида сайланниши мумкин.

5-модда. Вакил ўринбосари

Вакилнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан сайланадиган ўринбосари бўлади.

Вакил ўз лавозимида муддатидан илгари озод қилинган тақдирда, Вакил ўринбосари унинг вазифасини янги Вакил сайлангунига қадар бажариб туради ва Вакил учун белгиланган кафолатлар ана шу даврда унга нисбатан татбиқ этилади.

6-модда. Вакил фаолиятининг асосий принциплари

Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир инсон учун очиқликдир.

7-модда. Вакилнинг ҳисботи

Вакилнинг ҳисботи қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида эшитилади.

Вакилнинг йиллик ҳисботи белгиланган тартибда эълон қилинади.

Вакил инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маъruzalарини тайёрлашда иштирок этади.

8-модда. Вакил лавозимига номувофиқ бўлган фаолият

Вакил сиёсий партияига аъзоликни ёки унда иштирок этишини ўз ваколатлари муддатига тўхтатиб туриши ёхуд тугатиши шарт. Вакил илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

9-модда. Вакилни лавозимидан муддатидан илгари озод қилиш

Вакил лавозимдан қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан муддатидан илгари озод қилиниши мумкин:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берган тақдирда;
унинг соғлиғи ҳолати барқарор тарзда бузилган ва бу тиббиёт муассасаси томонидан берилган гувоҳнома билан тасдиқланган тақдирда;
унга нисбатан суднинг айблов хукми қонуний кучга кирган тақдирда;
у конунга кўра Вакил фаолиятига номувофиқ бўлган лавозимга сайдланган ёки тайинланган тақдирда.

10-модда. Вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқиш

Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузაётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларни кўриб чиқади ва у ўз текшируванин ўтказиш хукукига эга.

Вакил учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир киши ёки бир гурӯҳ шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қиласи.

Вакил суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди.

11-модда. Вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқиш шартлари

Вакил арз қилувчига ўз хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдалangan ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги карордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

12-модда. Шикоятларнинг мазмуни

Вакилга берилган шикоятда арз қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган, арз қилувчининг фикрича, унинг хукуқларини бузган ҳаракатларнинг ёки ҳаракатсизликнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Шикоятга арз қилувчининг талабларини тасдиқловчи хужжатлар ва бошқа далиллар илова қилинади.

Вакилга берилган шикоят учун давлат божи ундирилмайди.

13-модда. Вакилнинг хукуқлари

Вакил қўйидаги хукуқларга эга:
шикоятни кўриб чиқиш;
арз қилувчи ўз хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш;

шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш;

арз қилувчини унинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлор хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишириш;

сабабини албатта кўрсатган ҳолда шикоятни кўриб чиқиши рад этиш; қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

14-модда. Вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиши чоғидаги хуқуқлари

Вакил шикоятларни кўриб чиқиши, шунингдек фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташабbusи билан текшириш чоғида қўйидаги хуқуқларга эга:

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёхуд мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас;

ташкилотларга ва мансабдор шахслар хузурига монеликсиз кириш;

ташкилотлар ва мансабдор шахслардан хужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

mansabдор шахслардан тушунтиришлар олиш;

аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хуолосалар тайёрлашни топшириш;

инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлор масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш;

ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва сухбатлар ўтказиш;

ҳаракатларида инсон хуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш.

Фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини текшириётганда маълум бўлиб колган, арз қилувчининг ва бошқа шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

15-модда. Вакилнинг фаолиятига кўмаклашиш

Мансабдор шахслар фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигига тааллуқли, Вакил сўраган хужжатлар, материаллар ҳамда бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Вакил ўз фаолиятига доир масалалар бўйича давлат органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш хуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирлар билан боғлиқ ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга Вакилнинг кириши тартиби, шунингдек давлат сири ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни Вакилга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вакилнинг вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

16-модда. Вакилнинг шикоятни текшириш натижаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари

Вакил шикоятни текшириш натижаларига биноан:
арз қилувчига кўриб чиқиш натижаларини маълум қилиши;

харакатлари ёки харакатсизлигига фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган ташкилот ёки мансабдор шахсга бузилган ҳукуқларни тиклаш юзасидан тавсиялар бўлган ўз хulosасини юбориши шарт. Бунда Вакилнинг хulosасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктиримай асослантирилган жавоб юбориши шарт.

17-модда. Вакилнинг хulosаси

Вакилнинг хulosасида қўйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:
иш ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги;
ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги;
ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги;
ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши лозимлиги.
Вакилнинг хulosасида бошқа тавсиялар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Вакилнинг дахлсизлик ҳукуқи

Вакил дахлсизлик ҳукуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиной жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

19-модда. Вакил томонидан шикоятлар кўриб чиқилаётганда инсон ҳукуқлари ҳимоя қилинишининг кафолатлари

Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни тахлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бундай харакат учун таъқиб қилиниши ёки ҳукуқлари бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

20-модда. Инсоннинг конституциявий ҳукуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия

Вакилнинг зиммасига юклangan вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига қўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан Вакил раислигига Инсоннинг конституциявий ҳукуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади.

Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган Регламентга амал қиласи.

Вакил Комиссия аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин.

21-модда. Вакилнинг Котибияти ҳамда Вакил фаолиятининг мөддий-техника таъминоти

Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилиши мумкин, мазкур

Котибият ҳақидаги низом Вакил томонидан тасдиқланади. Вакилнинг Котибияти юридик шахс ҳисобланади.

Вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз мухри бўлади.

Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади.

**22-модда. Вакил тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жа-
вобгарлик**

Вакил тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбор шахслар белги-ланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**421 Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ом-
будсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини
амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш яқунларига биноан амалга киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ равишда сайланган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифасини ба-жарини давом эттириб туради.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирисин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
670-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

422 Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида

Маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, ахолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, шунингдек маданият ва спорт соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тутатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар мобайнода шаклланган юксак маънавиятни, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни voyaga etkazish borasidagi kopleks chora-tadbirlarни amalga oshiresh;

миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ахоли ўртасида маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш;

театр, мусиқа, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-бадиий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг энг ёрқин сахифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратиша ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг ўз талант ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, ахолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика қуролли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва осиё чемпионатларида, халқаро мусобакаларда

Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиласиган ва юкори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш мақсадида олимпия захираси муассасаларини қўллаб-кувватлаш ва зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

халқ ўйинлари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

турар-жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, ахолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, физкультура соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўкув юртлари, маҳаллий хокимиёт органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш;

давлатлараро ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференция, кўргазма ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестиция ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, обьект ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан имконият даражасида тўла ва самарали фойдаланиши таъминлаш;

маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, ўкув юртларини юкори малакали кадрлар билан таъминлаш;

профессионал, халқ ва хаваскорлик ижодиётини, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини кенг кўламда тарғиб қилиш, шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

4. «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартағи ПФ-360-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 сентябрь,
ПФ-3491-сон

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

423 **Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари-га навбатдаги чақирув тўғрисида**

[Кўчирма]

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунiga мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:
муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;
муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — заҳираға бўшатилсан.
2. 1977—1986 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечикириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсан.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечикириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнida Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсан.

4. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда, Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли тўлдирилишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни кўшиналрга тантанали кузатиб қўйишни ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф. Фуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тибиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминлаб чақирилувчиларнинг сифатли, ҳар томонлама ва холисона тиббий кўриқдан ўтказилишини, чақирув комиссияларининг ишига турли ихтисосликка эга бўлган юқори малакали врачлар жалб этилишини, муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф. Фуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.А. Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Р. Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (И. Эргашев), ҳарбий округлар кўшиналари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни кўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, ҳарбий интизомни, кўшиналрнинг жанговар тайёргарлигини, муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган

харбий хизматчиларни ҳарбий мутахассисликларга ўқитиш жараёнида хавфсизлик чора-тадбирларига риоя этилишини;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларда мақсадга интилишни, зарур маънавий фазилатларни ва иродалиликни, ўзини ўзи рўёбга чикариш ва такомиллаширишга доимий интилишни ривожлантиришга, уларнинг аниқ ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлишига, жисмоний ва ақл-заковат даражаси оширилишига, уларга Ватанга муҳаббат ва армиямиз билан фаҳрланиш туйғуларини сингдиришга қаратилган жанговар ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш дастури янада такомиллаширилишини;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар учун замонавий ўйжой-маиший шарт-шароитлар яратилишини, уларнинг белгиланган талабларга ва таъминот нормаларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли моддий таъминланишини;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, жамоатчилик билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни яашаш жойига кузатиб қўйиш ва тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар.

7. Молия вазирлиги (С.Б. Раҳимов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ташкилотлар ва корхоналар, шунингдек сафарбарлик чақирувчи резервига ва муқобил хизматга олинган фуқаролар томонидан молиявий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.О. Обидов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Куролли Кучлардан бўшатилган фуқароларни уларнинг эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва ҳаётий тажриба ортирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик кўрган кадрлар захираси ҳисобланган шахслар сифатида устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

9. «Ўзтелерадио» компанияси (А.К. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқулов)га ёшларни Куролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервиде хизматнинг ташкил қилинишини ва Куролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия қилинсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 сентябрь,
437-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

424 Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг самарали фаолиятини ташкил этишни таъминлаш, унинг фаолиятига республика тадбиркорларини кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси муассисларининг:

Савдо-саноат палатасининг уч йилда камида бир марта чақириладиган қурутойи Палатанинг юқори бошқарув органи ҳисобланиши;

курултой делегатлари томонидан сайдланадиган Савдо-саноат палатаси Марказий кенгаши қурултойлар ўртасидаги даврда Палатанинг раҳбар органи ҳисобланиши;

ўз фаолиятида Савдо-саноат палатаси Марказий кенгашига бевосита ҳисобот берадиган Савдо-саноат палатасининг Ижро этувчи қўмитаси Палатанинг ижро этувчи органи ҳисобланиши тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Таъсис конференцияси томонидан қабул қилинган Палатанинг бошқарув органлари тузилмаси, ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 42 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитасининг раиси ва унинг ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Савдо-саноат палатаси Марказий кенгаши томонидан лавозимга тайинланадилар;

Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитасини молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Марказий кенгаши томонидан тасдиқланади.

3. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитаси, республика тадбиркорлик тузилмалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва килларининг:

қайта ташкил этилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари негизида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида З ва За-иловаларга мувофиқ Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг юридик шахс мақомига эга бўлган худудий бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин. Зарурат бўлганда Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари шаҳарлар ва туманларда қайта ташкил этилаётган туман (шаҳар) товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари негизида ўз филиалларини ташкил этишлари мумкин;

қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари аъзоларини Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси аъзолари сифатида эътироф этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг даромадлари манбаи этиб белгилансин:

Палатага кириш бадаллари ва аъзолик бадаллари, уларнинг микдорлари Ўзбекистон Савдо-сеноат палатасининг Уставида белгиланади;

давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан минтақаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга йўналтирилётган маблағларнинг беш фоизи, улар фақат бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ва тадбиркорларни хуқуқий қўллаб-куватлашга мақсадли йўналтирилади;

грантлар ва ҳомийлар маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Олинган даромаддан фақат уставда қайд этилган фаолиятни бажариш учун фойдаланилади ва Ўзбекистон Савдо-сеноат палатаси аъзолари ўртасида таксимланмайди.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Савдо-сеноат палатаси қўйидаги хуқуқларга эга:

иктисодиётни, тадбиркорликни ва ташқи савдони ривожлантириш билан борлиқ масалаларни ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиша Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ўз раиси иштироки билан қатнашиш;

конунлар ҳамда Палата ва унинг аъзолари фаолияти масалаларига тааллуқли бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда қатнашиш;

назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган ҳар қандай текширишларда қатнашиш ва ўз аъзоларини хуқуқий қўллаб-куватлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Савдо-сеноат палатасини белгилангандан тартибда рўйхатдан ўтказсин.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Савдо-сеноат палатаси раиси лавозимига кўра Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгashi, Бож-тариф кенгashi, Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда маъмурӣ ислоҳотларни амалга ошириш комиссияси, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рафбатлантириш Республика мувофиқлаштирувчи кенгashi таркибига;

Ўзбекистон Савдо-сеноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Республикада кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика маълумотлари мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ташқи иктисодий алоқалар агентлиги ва Ўзбекистон Савдо-сеноат палатаси билан биргаликда чет элларда Ўзбекистон Савдо-сеноат палатасининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида иккى ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. Уларга Республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва инвесторлар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтиришда, Ўзбекистон тадбиркорларининг экспорт маҳсулотлари ташқи бозорларга кириб боришида ҳамда Республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда кўмаклашиш вазифалари юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Савдо-сеноат палатасининг буюртманомаларига кўра ҳалқаро бизнес-форумлар, савдо-сеноат кўргазмалари ва маҳсулотлар ярмаркаларини ўтказишида хорижий тадбиркорлар вакиллари га кириш визалари белгилангандан тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Савдо-сеноат палатасининг Ижро этувчи қўмитаси билан биргаликда Палата доимий жойлашадиган жой масаласини ҳал этишини тезлаштирасин.

Ўзбекистон Савдо-сеноат палатаси Тошкент шаҳар, Бухоро кўчасидаги 6-уйга вақтинча жойлаштирилсин.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Савдо-сеноат палатаси худудий бошқармаларини жойлаштиришда қўмаклашсинлар ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратувчи зарур чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

10. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги илгари Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ўрнатилган барча алоқа турларини Ўзбекистон Савдо-сеноат палатасида сақлаб қолсин.

11. Ўзбекистон Телерадио компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Савдо-сеноат палатасига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича унинг фаолиятини телевидение ва матбуотда кенг ёритсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 сентябрь,
441-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бошқарув
органларининг тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитасининг тузилмаси



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон
Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари
намунавий тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг жами сони— 11—14 киши
* мустақил юридик шахс ҳисобланадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорига
За-ИЛОВА

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳридаги
ҳудудий бошқармаси намунавий тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг жами сони — 16 киши

* мустақил юридик шахс ҳисобланадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

425 Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рафбатлантириш, улардан чакана савода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва республика тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган 1-иловага* мувофиқ 2006 йил охиригача тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган холда хисоб-китоб қилиш тармоғини кенгайтиришнинг прогноз жадвали маъқуллансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар уюшмаси уч ой муддатда Банкларо процессинг маркази негизида савдо ва хизматлар соҳаси ташкилоти ёхуд пластик карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар барча савдо шохобчаларида банк операцияларини ягона режимда амалга ошириш имконини берувчи Ўзбекистон Банклар уюшмаси хузуридаги Ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари билан биргаликда 2-иловага мувофиқ чакана савдо ва хизматлар соҳаси обьектларини, автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини ва аҳолидан накд пул қабул қилиш бошқа пунктларини тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар билан:

Тошкент шаҳрида — 2005 йил 1 январгача;

вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда — 2005 йил 1 июлгача таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинар.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўгрисида 2004 йил ва 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига ахборот берилсан.

4. Белгилаб қўйилсанки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни соҳида ва хизматлар кўрсатиша хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа хужжатларга тенглаштирилади.

5. Чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуси чекланмаган холда сотишга руҳсат берилсан.

6. Пластик карточкаларнинг эмитентлари бўлган тижорат банклари:

2005 йил 1 январгача барча филиаллар, минибанклар ва жамғарма кассаларида тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар ўрнатсинлар;

айланма маблағлар тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларининг тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар сотиб олиши учун ўз мижозларининг сўровлари бўйича имтиёзли кредитлар берисинлар (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича);

терминал тармоғининг узлуксиз ишлаши ва пластик карточкалардан фойдаланган холда ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинар.

7. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази:

банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга мулк солиғи тўлашдан;

* 1-и洛ва берилмайди.

пластик карточкалар, сарфланадиган материаллар, график ва электрон шахслаштириш қурилмалари, терминаллар, банкоматлар ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналарни импорт қилишда 2007 йил 1 январгача божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йигимларидан ташқари) озод қилинсин.

Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган молмулкдан солиқ тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом З-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида республикада ўз материаллари негизида микрочиплари бўлган пластик карточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш юзасидан 2004 йил охиригacha Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

9. Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятга бўйсувччи шаҳарларда жойлашган, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларига чакана савдони амалга ошириш учун рухсат берувчи гувоҳномалар беришда уларда тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш имконини берувчи терминаллар мавжуд бўлишини назарда тутсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив хужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 сентябрь,
445-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига
2-ИЛОВА

Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланадиган объектлар рўйхати

1. Авиация ва темир йўллар патталарини сотиш кассалари.
2. Уй-жой коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар хузурида очилган ахолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари.
3. Телефон, шу жумладан уяли алоқа телефонлари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчалари.

4. Аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчалари.
5. Автомобилларга ёнилғи куйиш шохобчалари.
6. Савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчалари.
7. Ресторанлар.
8. Иш хаки тўлаш пластик карточкалардан фойдаланиб амалга ошириладиган корхоналар ва муассасалардаги умумий овқатланиш обьектлари.
9. Мехмонхоналар.
10. Алока бўлимлари.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкдан солиқ тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналаридан ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналардан мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш, шунингдек уларни бухгалтерия хисобида акс эттириш тартибини белгилаб беради.

2. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналаридан ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналардан, шунингдек дастурий таъминлашдан мулк солиғи тўлашдан 2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга озод этилган.

II. Мол-мулк қийматини ва солиқ суммасини ҳисоблаб чиқиш тартиби

3. Банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналар, шунингдек дастурий таъминлаш бўйича имтиёзларни қўллаш ва бўшаб қоладиган маблагларни хисобга олиш мақсадида тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан йилнинг хар чорагида мазкур Низомга иловага мувофиқ тегишли мол-мулкнинг қиймати хисоб-китоби тузилади.

4. Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк таркибига балансда турган қўйидаги мол-мулк:

банкоматлар;

тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар;

тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш ва маълумотлар мас-

сивларини қайта ишлаш учун фойдаланиладиган компьютер ускуналари ва серверлар;

лицензия тўловларини хисобга олган ҳолда тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган дастурий таъминлаш;

коммутация ускуналари;

карт-ридерлар (пластик карточкаларни ўқиш ва ёзиш учун курилма);

шахслаштирувчилар (пластик карточкаларга идентификация белгилари қўйиш курилмаси);

берилаётган ахборотни шифрлашда фойдаланиладиган ускуна киритилади.

5. Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк қийматини хисоблаб чиқиши тижорат банклари томонидан банкларнинг барча филиалларини хисобга олган ҳолда жамлаштириш асосида амалга оширилади.

6. Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк қиймати тўғрисидаги маълумотлар тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича республика солиқ хизмати органларига берилади.

7. Мулк солиғини хисоблаб чиқиши тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 25-сон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2002-13-сон қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 11 марта 1107 раками билан рўйхатдан ўтказилган) Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни хисоблаб чиқиши ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага мувофиқ амалга оширилади.

III. Бўшаб қоладиган маблағларни бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби

8. Бўшаб қоладиган маблағларнинг бухгалтерия хисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 52-сон, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2002-21-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 02/8-6-сон қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 25 июня 1155 раками билан рўйхатдан ўтказилган) Юридик шахсларга солиқлар, божхона тўловлари ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

9. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг қиймати ва қўлланилаётган имтиёзлар суммаси тўғри аниқланиши учун жавоб берадилар.

Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процесинг марказининг тўловларни пластик карточкалар билан амалга ошириш учун фойдаланувчи мол-мулкдан солик тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процесинг марказининг тўловларни пластик карточкалар билан амалга ошириш учун фойдаланадиган мол-мулки рўйхати

(минг сўм)

№	Мол-мулк номи	Мол-мулкнинг қолдик қиймати
1.	Банкоматлар	
2.	Тўловларни пластик карточкалар билан амалга ошириш учун терминаллар	
3.	Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш ҳамда маълумотлар массивларини қайта ишлаш учун фойдаланиладиган компьютер ускуналари ва серверлар	
4.	Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар	
5.	Коммутация ускуналари	
6.	Карт-ридерлар (пластик карточкаларни ўқиш ва ёзиш учун қурилма)	
7.	Шахслаштирувчилар (пластик карточкаларга идентификация белгилари қўйиш қурилмаси)	
8.	Берилаётган ахборотларни шифрлаш учун фойдаланадиган ускуналар	
Ҳаммаси:		

200__ й. «__» _____
Рахбар _____
(имзо)
Бош бухгалтер _____
(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

426 Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи янги лойиҳалар билан янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қилади**:

1. Махсус комиссиянинг (Ў.Т. Султонов) Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган 3 ва 4-иловаларни:

тайёр маҳсулотларнинг янги турларини, қисмларини ва уларга бутловчи буюмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 1-иловага* мувофиқ лойиҳалари рўйхати;

хом ашё, компонентлар ва саноат материаллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2-иловага* мувофиқ лойиҳалари рўйхати билан тўлдириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 1, 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқланган лойиҳалар параметрларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартишилар киритилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорининг 5-бандида назарда тутилган имтиёзлар Маҳаллийлаштириш дастурига мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ янгидан киритилган корхоналарга 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб қўлланади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 сентябрь,
447-сон

* 1—3-иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

427 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ни ташкил этиш тўғрисида

[Кўчирма]

Божхона сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда товарлар божхонада расмийлаштирилишини ҳисобга олишнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини (ЯААТ) ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни беришнинг технологик жараёнларини комплекс автоматлаштириши, барча даражалардаги божхона органларининг ягона маълумотлар базасидан тезкор маълумот олишини таъминлашга, божхона назорати остидаги товарлар билан аниқ вақт кўламида содир этилаётган барча тартиб-қоидаларнинг мониторингини олиб боришга қаратилган ташкилий-функционал тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси лойиҳанинг буюртмачиси ҳисобланиши, «HetNet-Crown» компаниялар консорциуми (АҚШ) эса тендер асосида унинг бажарувчиси этиб белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан «HetNet-Crown» компаниялар консорциуми ўртасидаги фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш контрактининг чекланган қиймати 7,77 млн АҚШ доллари эканлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда лойиҳанинг 2-иловага* мувофиқ асосий кўрсаткичлари билан биргаликда техник-иқтисодий ҳисоб-китоби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

импорт контракт қийматининг 1,17 млн АҚШ доллари миқдоридаги 15 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилади;

импорт контракт қийматининг Эксимбанкнинг (АҚШ) сугурта мукофоти суммаси қўшилган 6,60 млн АҚШ доллари миқдоридаги 85 фоизи хорижий банкнинг маблағларини Эксимбанкнинг сугурта қопламаси остида қайта молиялаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредити ҳисобига молиялаштирилади;

асосий қарзни, ҳисобланган фоизларни, воситачилик тўловини ва хорижий кредитга хизмат кўрсатиш билан боғлик молиявий бошқа харажатларни қайтариш қарз битимлари муддатлари ва шартларига мувофиқ, шунингдек лойиҳани амалга ошириш билан боғлик Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасидаги хара-

* 2-илова берилмайди.

жатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

махсус жамғарманинг 2005 йилга ва кейинги йилларга харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказишда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишишда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

жалб этилаётган кредитга хизмат кўрсатиш учун кўрсатиб ўтилган жамғарма маблағларини Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банкида очилган махсус ҳисоб рақамида устувор тартибда олдиндан тўплаб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш учун хорижий банк билан белгиланган тартибда қарз битими тузсин ва хорижий банк маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига қайта молиялаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида хорижий банк, экспорт-кредит агентлиги ва суурита компаниялари Ўзбекистон Республикаси худудида тўлов манбаида даромад солиги тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мазкур лойиҳани белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг буюртманомалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар консуллик йиғимлари ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга давлат божлари ундирилмасдан кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек улар яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.


9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 сентябрь,
450-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 сентябрдаги 450-сон карорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ташкилий-функционал тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

428 «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

[Кўчирма]

Телекоммуникация соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, телекоммуникация миллий тармоқларини ривожлантириш ва унинг барқарор ишланиши бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, ахборот хавфсизлигига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, шунингдек «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси акциядорларининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси акциялар пакетларини жойлаштиришни тартибга солиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси акциялари пакетларини жойлаштиришнинг қуидаги тартиби белгилансин:

давлат мулкида сақланадиган улуш — 45 фоиз;

эркин сотишига мўлжалланган улуш — 55 фоиз, шу жумладан хорижий инвесторга сотиш учун — 49 фоиз. Бунда компания акциялар пакетининг илгари мустақил жойлаштирилган 6 фоиз микдоридаги улуш Ўзбекистон Республикаси резидентлари — юридик ва жисмоний шахсларда сақлаб қолинсин.

2. «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришда, унда қонун хужжатларида белгиланган тартибда телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларига, шу жумладан «IP-телефонии» технологиясини қўллаган ҳолда чиқиши ташкил этишга алоҳида хукуқлар сақланиб қолиниши маълумот учун қабул қилинсин.

Тегишли лицензиялар асосида ўз фаолиятини амалга оширувчи операторлар ва провайдерлар, фақат «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси техник воситалари орқали телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларига чиқиш хукуқига эгадир.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 30 июнданги 253-сон қарорининг З-банди ўз кучини ўйқотган деб хисоблансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари А.Н. Арипов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 сентябрь,
453-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

429 Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
23 сентябрда 1412-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 3 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги ва «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, ахборот-маълумот хизматини кўрсатиш бўйича телекоммуникация операторлари ва телекоммуникация хизмати провайдерларига умумий талабларни ўрнатиш мақсадида, **буюраман:**

1. «Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур Низомни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилганидан ўн кун муддат ўтгандан кейин кучга кириши белгилансин.

**Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 25 август,
284-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУФИ

430 Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
23 сентябрда 1413-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 3 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизими니 такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. «Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтганидан ўн кун кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалда бўлган ЎзАПТнинг 1999 йил 28 июль 278-сон буйруги билан таслиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (1999 йил 19 июль 774-сон билан) рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикасида радиочастоталар спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» ўз кучини йўкотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринbosари А. Д. Хаджаев зиммасига юклансин.

**Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 14 сентябрь,
305-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИННИГ
ҚАРОРИ

**431 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бош-
қарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва
педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида низомни тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 сентябрда 1414-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сонли ва 2004 йил 5 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 372-сонли қарорларига мувофиқ, **қарор қиласиз:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом барча халқ таълими тизими органлари ва ўқув юртларига етказилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Халқ таълими вазири Т. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
78-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
директори Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
01-211-сон

Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2004 йил 26 августдаги 78, 01-211-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув
органлари ва ўкув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари
аттестацияси тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Мехнат кодекси, «Таълим тўғрисида»ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 24 июнданги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сонли, 2004 йил 5 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 372-сонли қарорлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўкув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан (кейинги ўринларда — педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси) ўtkазиш тартибини белгилайди.

Раҳбар кадрлар аттестацияси уларнинг «Таълим тўғрисида»ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июндаги «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-сонли қарори, республикада амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг бажарилишини таъминлашдаги фаоллиги, таълим муассасасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар сифати ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини холис баҳолаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг касб маҳоратлари ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбия, янги педагогик технологияларни яратиш ва уни таълим-тарбия жараённида қўллаш, маънавий-маърифий ўйналишлардаги меҳнати натижаларини холис баҳолаш, эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилаётган тоифа ва лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида ўтказилади.

I. Умумий қоидалар

1. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси 5 йилда бир марта ўтказилади.
2. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — ДТМ) таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — вазирлик) билан биргаликда ишлаб чиқилган жадваллар асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

3. Халқ таълими тизими аттестациядан ўтказиладиган раҳбар кадрлари таркибига қўйидагилар:

Халқ таълими вазирлигининг, шу жумладан болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бошқарма ва бўлим бошликлари, уларнинг ўринбосарлари;

педагогика институтларининг проректорлари, ўқув ва услубий бўлим раҳбарлари, факультет деканлари ва декан ўринбосарлари, кафедра мудирлари ва ўринбосарлари;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари (кейинги ўринларда — худудий бўлинмалар) раҳбарлари, ўринбосарлари, бўлим бошликлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори ва проректорлари, кафедра мудирлари ва ўринбосарлари;

умумий ўрта, мактабгача, мактабдан ташқари ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари киради.

4. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика ташкилотлари ва халқ таълими тизими бошқарув органлари мутахассислари мазкур Низомнинг раҳбар кадрлар учун белгиланган тартиб асосида аттестациядан ўтказилади.

5. Халқ таълими тизими педагог кадрлари таркиби профессор-ўқитувчи, ўқитувчи, услубчи, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусиқа ва тўгарак раҳбарлари киради.

6. Халқ таълими вазирлиги томонидан камидан 1 ой олдин аттестациядан ўтувчиларга аттестацияга оид расмий хабар, хужжатлар ва дастур юборилади.

II. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестациясини ташкил этиш

7. Ўриндошлик бўйича ишлаётган педагоглар асосий иш жойида аттестациядан ўтказилади.

8. Халқ таълими вазирлиги, худудий бўлинмалар педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланади.

9. Халқ таълими вазирлиги, худудий бўлинмалар ва таълим муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтувчиларни аттестация тартиб ва қоидалари билан танишириади, аттестациядан ўтувчилар рўйхатини тузади ҳамда тегишли бўйруқларини қабул қилади.

10. Аттестациядан ўтувчи раҳбарлар таълимни бошқарув органига; педагоглар таълим муассасаси раҳбариятига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

маълумотнома-сўровнома;

маълумоти, тоифаси, илмий даража ва унвони ҳақидаги хужжатлар, малака оширганлик ҳақидаги гувоҳнома, қайта тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги ҳақидаги гувоҳнома нусхалари (мавжуд бўлса);

сўнгги 5 йилда нашр этилган илмий, ўқув-услубий ишлари, ихтиrolари ва мақолалари рўйхати (мавжуд бўлса);

аттестациядан ўтувчининг охирги 5 йилдаги ўқув, услубий, илмий ва маънавий-маърифий ўйналишлар бўйича олиб борган ишлари хисоботи;

таълим муассасасини риваожлантириш борасидаги ишлари ва келгусидаги режалари ҳақида қисқача маълумот (раҳбарлар учун).

Комиссияга тақдим этилган раҳбарлар тўғрисидаги хужжатлар таълимни бошқарув органи раҳбарияти (педагогика институтларида ректор), педагоглар тўғрисидаги хужжатлар таълим муассасаси (ёки бўлим) раҳбарлари томонидан имзоланади. Хужжатлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигига имзо қўйган масъул шахс жавобгар ҳисобланади.

11. Ишга меҳнат шартномаси асосида янги қабул қилинган раҳбарлар ва педагоглар камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади.

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аттестациядан ўтказилмайди.

12. Педагог кадрлар таянч маълумоти ёки қайта тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги бўйича аттестациядан ўтади.

13. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган хорижий давлат фуқаролари аттестацияга жалб қилинмайди.

III. Аттестация комиссияларининг таркиби

14. Халқ таълими тизими бошқарув органлари раҳбар кадрларини аттестация қилиш комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги ва ДТМ ходимларидан иборат бўлиб, вазирлик бўйруфи билан тасдиқланади. Комиссия раиси — вазирлик раҳбарларидан, комиссия раиси ўринbosари ДТМ раҳбарларидан тайинланади.

15. Республика бўйсунуvida бўлган умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маҳсус мактаб (мактаб-интернат), меҳрибонлик уйлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги вакиллари, таълим муассасаси раҳбарларидан иборат бўлиб, вазирлик томонидан ДТМ билан келишилган холда тузилади. Комиссия раиси вазирлик ходимларидан тайинланади.

16. Халқ таълими тизими таълим муассасалари раҳбар кадрлари ва педагогика институтлари профессор-ўқитувчиларини аттестация қилиш комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги ва ДТМ ходимларидан иборат бўлиб, ДТМ бўйруфи билан тасдиқланади. Комиссия раиси — ДТМ ходимларидан, комиссия раиси ўринbosари вазирлик ходимларидан тайинланади.

17. Ҳудудий бўлинмалар бўйсунуvida бўлган умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маҳсус мактаб (мактаб-интернат), меҳрибонлик уйлари педагог кадрлари аттестациясини ташкил этиш мақсадида вилоятлар ДТМ ходими (комиссия раиси), Ҳудудий бўлинмалар вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар ДТМ томонидан вазирлик билан келишилган холда тузилади.

18. Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар томонидан ҳар бир туман (шахар)ларда педагог кадрлар аттестацияси комиссияси тузилади.

Мувофиқлаштируvчи ҳудудий комиссиялар ДТМ ва вазирлик билан келишилган холда аттестация комиссиясининг таркиби ўзгартириш киритиш хукуқига эга. Киритилган ўзгартиришлар хақида ДТМ ва вазирликка маълумот берилади.

19. Аттестация комиссиясининг таркиби 7 кишидан иборат бўлади. Комиссия аъзоларининг 5 нафари қатнашганда унинг фаолияти ваколатли хисобланади.

20. Аттестация комиссияларининг фаолият кўрсатиш мuddати Халқ таълими вазирлиги ва ДТМ томонидан биргаликда белгиланади.

IV. Аттестацияни ўтказиш тартиби

21. Раҳбар кадрлар аттестацияси қўйидагича ташкил этилади:

раҳбар кадрлар таълимга оид меъёрий-хукуқий хужжатлар, раҳбарлик қобилияти ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан ўтказилади;

раҳбарнинг охирги аттестациядан кейинги даврлардаги ўкув-илмий, маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолияти таълим муассасасининг ривожланиш суръати хақидаги аниқ статистик маълумотлар асосида ўрганилади ва таҳлил қилинади;

жамоа ўртасида социологик сўровлар ўтказилади;

касбий ва мансаб ваазифаларида белгиланган масалалар бўйича сухбатдан ўтказилади. Сухбат жараёнида берилган савол ва жавоблар маҳсус (саҳифаланган, боғланган, муҳрланган) журнالга қайд этилади.

Раҳбарнинг умумий бали тест, сухбат натижалари, раҳбар фаолиятини белгиловчи кўрсаткичларга қўйилган балл ҳамда жамоа томонидан берилган баҳолар йигиндисидан иборат бўлади.

22. Раҳбар кадрлар учун тест саволлари тўплами: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, Мехнат кодекси ва бошқа таълим соҳасига оид меъёрий-хукукий ҳужжатлар, миллий истиқлол фояси ва маънавият асослари, янги педагогик технологиялар, бошқарув санъатига оид психологик тестлар, раҳбарлик фаолиятига оид молиявий масалаларни ўз ичига олади.

23. Таълим муассасасини ривожлантириш суръатини белгиловчи кўрсаткичларга битирувчиларнинг билим даражаси, таълим муассасасидаги ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилиш даражаси, ўқувчиларнинг халқаро ва республика олимпиадалари, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий йўналишлар бўйича кўриклардаги натижалари, битирувчиларининг ишга (ўқишига) жойлашиши, ўқитувчилар, иқтидорли ва кам таъминланган ўқувчиларни ижтимоий химоялаш бўйича олиб борилган ишлар, таълим муассасаси моддий-техник базаси, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик масалалари киритилади.

24. Социологик сўровлар раҳбарнинг хулқ-атвори, инсонпарварлиги, жамоани бошқара олиш қобилияти, ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, фидоийлиги, масъулиятлилиги, қатъиятлилиги, ходимлар манфаати йўлида жонқуярлиги,adolatлилиги, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлиги каби фазилатларини аниқлашга картилади.

25. Педагог кадрлар аттестацияси жараёнида қўйидаги ишлар амалга оширилади:
педагог кадрлар ўз мутахассислиги ҳамда меъёрий-хукукий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан, сухбатдан ўтказилади;

педагог ўқитаётган фан бўйича ўқувчиларнинг, талабаларнинг билими, ўзлаштириш даражаси ўрганилади;

талабалар ўртасида социологик сўровлар ўтказилади.

Педагогнинг умумий бали тест, сухбат натижалари, ўқувчиларининг билим даражаси, илмий, ўқув-методик ишлари ва ихтиrolари, ижодий ишлари, иш стажи, педагогнинг комиссия томонидан ўрганилган касбий маҳорати ва раҳбарият томонидан берилган баҳолар йигиндисидан иборат бўлади.

Маҳсус мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маданият, санъат, спорт соҳалари педагог кадрлари, мухандис-педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш усталари ўз мутахассислиги бўйича сухбатдан ўтказилади.

26. Педагог кадрлар учун меъёрий-хукукий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест саволлари тўплами: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, миллий истиқлол фояси ва маънавият асослари, янги педагогик технологияларга оид масалалардан иборат бўлади.

27. Ҳар бир таълим тури бўйича педагог ва раҳбар кадрлар учун аттестация жараёнида алоҳида тест саволлари банки, социологик сўровлар, таълим муассасасининг ривожланиш суръати ва аттестациядан ўтувчининг меҳнат фаолияти самарасини белгиловчи ўзига хос кўрсаткичлардан фойдаланилади.

**V. Педагогика институтлари, ҳудудий бошқармалар ва туман,
шаҳар халқ таълими бўлимлари раҳбаријатининг аттестация
жараёнини ташкил этишга оид вазифалари**

28. Аттестация ўтказилиши хақида тегишли буйруқларини чиқаради. Аттестациядан ўтувчи раҳбарларнинг сонини аниқлайди ва улар ҳақидаги маълумотномани вазирликка тақдим этади.

29. Аттестациядан ўтувчи раҳбарларни аттестация жараёни билан таниширилади.

30. Ҳудудий бошқармаларга бириктирилган вазифалар ДТМнинг вилоятлардаги доимий вакили билан ҳамкорликда амалга оширилади.

31. Аттестация жараёнини ташкил этишда таълим органлари раҳбарлари қўйидаги ишларни амалга оширади:

аттестациядан ўтувчилар рўйхатини тузади, улар ҳақида тегишли буйругини расмийлаштиради;

аттестациядан ўтувчиларнинг ҳужжатларини тайёрлайди ва уларга тавсифномалар ёзди. Ҳар бир аттестациядан ўтувчи учун алоҳида йифма жилд тайёрлайди;

аттестациядан ўтувчиларга аттестациянинг тартиб ва қоидаларини тушунтириш учун семинарлар ўтказади ва уларнинг аттестацияга тўлиқ қатнашишини таъминлайди;

аттестацияга катнаша олмайдиганлар рўйхатини тузади ва уларнинг сабабини аниқлайди;

аттестация жараёнини ўтказишга зарур техник воситаларнинг иш ҳолатини текшириб чиқади ва зарур бўлган моддий-техник воситалар билан таъминлайди, тегишли шарт-шароитларни яратади.

VI. Аттестация натижалари

32. Аттестация комиссияси педагог ва раҳбар кадрлар тўғрисида тақдим этилган маълумотлар, тест синовлари, социалогик сўров ва сұхбат натижалари асосида умумий хulosани қабул қиласи.

Умумий хulosалар комиссия аъзоларининг очик овоз бериши йўли билан аниқланади. Овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

Аттестация комиссиясининг хulosаси бевосита аттестациядан кейин эълон қилинади.

33. Комиссия аттестация натижаларига кўра раҳбарга «Эгаллаб турган лавозимиға лойик», «Эгаллаб турган лавозимиға шартли равища лойик», «Эгаллаб турган лавозимиға нолойик» деган хulosалардан бирини чиқаради.

34. «Эгаллаб турган лавозимиға шартли равища лойик» деб эътироф этилган раҳбар кадрлар б օйдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

35. Комиссия аттестация натижаларига кўра педагогга «Аттестациядан ўтди», «Аттестациядан шартли ўтди» ва «Аттестациядан ўтмади» деган хulosалардан бирини чиқаради.

36. Таянч маълумоти дарс берётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлса, аттестацияга қўйилмайди.

Мутахассис тоифага эга педагог «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилганда, шунингдек таянч маълумоти дарс берётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлса, тегишли таълим муассасаси раҳбари педагогга ўз мутахассислигига ўтишни ҳамда қайта тайёрлаш ёки малака

ошириш курсига боришиңи таклиф қилади. Ушбу таклифларга рози бўлмаганда амалдаги қонунчилик асосида у билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

«Аттестациядан ўтмади» деб топилган педагоглар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсига юборилган педагоглар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

37. Аттестация қилинувчи:

аттестацияга узрли сабаб билан келмаган тақдирда, унинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади;

аттестацияга узрсиз сабабга кўра катнашмаган педагог ёки раҳбар эса «Аттестация қилинмаган» деб эътироф этилади ва меҳнат қонунчилигига асосан тегишли чоралар кўрилади.

38. Таълим муассасаси раҳбари аттестация комиссиялари хулосалари асосида раҳбар ёки педагог кадрлар учун тегишли буйруқларини қабул қиласди.

39. Аттестация комиссиясининг хулоса (баҳо ва тавсия)лари аттестация варакасида қайд этилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Аттестация варакалари ва баённомаларига ўзгартириш киритиш қатъиян ман этилади.

Аттестация варакаси ходимнинг шахсий ҳужжатларига қўшиб кўйилади.

40. Аттестация натижалари бўйича комиссия хисобот тайёрлайди, вазирликка ва ДТМга тақдим этади.

41. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестация комиссиясининг хулосаси бўйича шикоят ва эътиrozлар билан «Апелляция комиссияси»га мурожаат этишлари мумкин.

VII. Апелляцияни ўтказиш тартиби

42. Апелляция комиссияси 3—5 кишидан иборат таркибда ДТМ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармалар хузурида тузилади. Комиссия ишида аъзоларининг $\frac{3}{2}$ қисми катнашганда унинг фаолияти ваколатли хисобланади.

Комиссия раиси вазирлик ва Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси ходимларидан тайинланади.

43. Апелляция комиссияси ариза берувчига камида беш кун олдин даъво аризасини кўриб чиқиш хақида маълум қиласди.

44. Апелляция натижаси очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

45. Апелляция комиссиясининг хулосаси баённома билан расмийлаштирилади ва нусхаси ариза берувчига топширилади.

46. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестация комиссиясининг ҳамда «Апелляция комиссияси»нинг хулосаси бўйича юкори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

VIII. Якунловчи қисм

47. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси жараёнидаги низолар амалдаги қонунчилик доирасида ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
 РАҶОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
 ҚАРОРИ

432 Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 сентябрда 1415-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 9 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 марта 165-сонли «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва раҷобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Умуниқтисодиёт комплексининг 2003 йил 9 октябрдаги йиғилиш Баённомасига асосан **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархлар ва монополияга қарши сиёsat бўйича Кенгashi томонидан 1995 йил 19 январда 4/2-сон билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш-техник истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар, халқ истеъмоли товарлари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни шакллантириш ҳамда қўллаш тартиби тўғрисидаги низом» (1995 йил 3 февраль, рўйхат рақами 123);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархлар ва монополияга қарши сиёsat бўйича Кенгashi томонидан 1995 йил 19 январда 4/2-сон билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш-техник истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар, халқ истеъмоли товарлари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни шакллантириш ҳамда қўллаш тартиби тўғрисидаги низом»га 1995 йил 1 майда 132-сон билан киритилган 1-сон қўшимча (1995 йил 24 май, рўйхат рақами 123-1);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархлар ва монополияга қарши сиёsat бўйича Кенгashi томонидан 1995 йил 19 январда 4/2-сон билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш-техник истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар, халқ истеъ-

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

моли товарлари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни шакллантириш ҳамда қўллаш тартиби тўғрисидаги низом»га 1996 йил 4 апрелда 36/18-сон билан киритилган 2-сон қўшимча (1996 йил 2 май, рўйхат рақами 123-2);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархлар ва монополияга карши сиёсат бўйича Кенгаши томонидан 1995 йил 19 январда 4/2-сон билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш-техник истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар, халқ истеъмоли товарлари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни шакллантириш ҳамда қўллаш тартиби тўғрисидаги низом»га 1996 йил 24 апрелда 54/23-сон билан киритилган 3-сон қўшимча (1996 йил 12 май, рўйхат рақами 123-3);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 7 июля 72-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг Давлат реестрига киритилган корхоналарнинг монопол маҳсулотларига нархлар (рентабелликнинг чекланган даражаси)-ни декларациялашда молия органларига хужжатларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги Услубий тавсиялар.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 август,
104-сон

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 август,
40-сон

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ж. Сайфидинов

Тошкент ш.,
2004 йил 23 август,
7-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 18 сентябрдан 30 сентябргача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлиги боши директорининг 2004 йил 25 августдаги 284-сон буйруғи.

2004 йил 23 сентябрда 1412-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 октябрдан кучга киради).

2. «Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлиги боши директорининг 2004 йил 14 сентябрдаги 305-сон буйруғи.

2004 йил 23 сентябрда 1413-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 октябрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўкув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2004 йил 26 августдаги 78, 01-211-сон қарори.

2004 йил 29 сентябрда 1414-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 октябрдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) Давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитасининг 2004 йил 23 августдаги 104, 40, 7-сон қарори.

2004 йил 29 сентябрда 1415-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 октябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси радиочастота-

лар давлат комиссияси томонидан тасдиқланган (1999 йил 19 июль, рўйхат рақами 774).

Адлия вазирининг 2004 йил 23 сентябрдаги 200-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

2. Ишлаб чиқариш-техник истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар, халқ истеъмоли товарлари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни шакллантириш ҳамда қўллаш тартиби тўғрисида низом. (1995 йил 3 февраль, рўйхат рақами 123, 1995 йил 24 май, рўйхат рақами 123-1, 1996 йил 2 май, рўйхат рақами 123-2, 1996 йил 12 май, рўйхат рақами 123-3) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2004 йил 29 сентябрдаги 202-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартеришлар киритилиши ва янги норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2003 йил 23 июндаги қўшма буйруги.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳукуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳукуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юкорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Тузатиш

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни VI бўлимидаги (Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси) З-банд (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 37-сон, 408-модда) қўйидаги таҳрирда ўқилсин:

«3) 186¹-моддаси:

биринчи қисмининг диспозициясидаги «шундай харакатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча микдорда содир этилган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

иккинчи қисмининг санкцияси «уч йилдан» деган сўзлардан олдин «энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача микдорда жарима ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсан;»